

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг  
Апелляция хайъатига

Ўз.Рси ЖКнинг 168 м. 2 қ. “а”, “б” бандлари,  
165 м. 3 қ. “а” банди, 167 м.3 қ. “а” банди, 184 м. 2  
қисми “б” банди, 189 м.3 қ., 197, 209 м.1 қ., 28 209  
2 қ. “а” банди, 216 м., 228 м. 2 қ. “б” банди, 228 м. 3  
229 м. Ва 244-1 м.3 қ. “в” банди билан судланган

Таджибаева Муътабар Ибрагимовнани  
химоячиси Махбубов Хусан Муминовични

## **Х У С У С И Й Т А Р Т И Б Д А Г И А П Е Л Л Я Ц И Я Ш И К О Я Т И.**

### **Хурматли суд хайъати ва процесс иштирокчилари!**

Мана бугун 6 март 2006 йили Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 168 моддаси 2 қисми “а”, “б” бандлари, 165 моддаси 3 қисми “а” банди, 167 моддаси 3 қисми “а” банди, 184 моддаси 2 қисми “б” банди, 189 моддаси 3 қисми, 197 моддаси, 209 моддаси 1 қисми, 28-209 моддаси 2 қисми “а” банди, 216 моддаси, 228 моддаси 2 қисми “б” банди, 228 моддаси 3 қисми, 229 моддаси ва 244-1 моддаси 3 қисми “в” банди билан Таджибаева Муътабар Ибрагимовнани айбдор деб топиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини 57, 59, 61 моддаларини қўллаган ҳолда жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил кесил ўташлик учун рағбарлик, моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан 3 йил муддатга маҳрум қилиш ва 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақидаги ҳукмга нисбатан келтирилган апелляция шикоятни билан бирга суд жараёнига қадар ва суд жараёнида қабул қилинган баъзи ажримларга нисбатан келтириладиган хусусий тартибдаги апелляция шикоятларни муҳокама этиш жараёнида турибмиз.

Суд жараёнида қабул қилинган баъзи ажримларга нисбатан хусусий кўринишда шикоят келтириш орқали нафақат чиқарилган ҳукмнинг ноқонунийлигига, балким химоямда бўлган Таджибаева М.И.ни ҳақ ҳуқуқлари қанчалик бузилганлигига ойдинлик киритишдан иборатдир.

Шу сабабли биринчи бўлиб эътиборийларни жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги 2006 йил 24 январ кунидаги қарорга қаратмоқчиман. Бу қарор Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 394-397 моддалари талабларидан келиб чиқиб қабул қилиниши шарт бўлганлиги учун, қарорда иш бўйича ўтказилган дастлабки тергов жараёнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКни талабларига риоя қилинганлиги, айблов ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси ЖПКни талабларига мувофиқ тузилганлиги, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тўғри қўлланилганлиги кўрсатилган. Энди шу ҳар бир процессуал ҳолат бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун уларга умумий кўринишда қонуний тарафига баҳо беришликни лозим деб ҳисоблайман.

- 1. Иш бўйича ўтказилган дастлабки тергов жараёнида Ўзбекистон Республикаси ЖПКни талабларига риоя қилинганлиги, айблов ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси ЖПКни талабларига мувофиқ тузилганлиги.**

Бу борада Ўз.Рси ЖПКни 396 моддасини 4 қисмида бандида кўрсатилган бўлиб, яъни суриштирув ва дастлабки тергов ўтқазиш чоғида ушбу кодексининг талабларига риоя қилинганлиги борасида қайд этилган. Авволлом судья ишни ўз иш юритувига қабул қилиш чоғида айблов хулосаси процессуал нормаларидан келиб чиқиб расмийлаштирилиши ҳолатига унчалий эътибор бермаган ҳолда иш тутган.

Дастлабки жараёнида 361-моддасига, яъни жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарорнинг 2,3-бандлари бузилган, шу қаторда, айблов хулосасини тузиш жараёнида эса ЖПКни 379-моддаси талабига риоя қилинмаган, шу билан бирга бевосита ушбу ишда давлат айбловчиси сифатида иштирок этаётган Фаргона вилоят прокурорининг 1-уринбосари О.А.Ахмаджонов томонидан айблов хулосасини тасдиқлаш жараёнида ЖПКни 385-моддаларига таянмасдан тасдиқланган. Чунончи, Тожибоева М.И.га айб эълон қилиш ҳақидаги қарорнинг қарор қисмида ЖКни 179-моддаси(сохта тадбиркорлик) кўрсатилмаган, ЖКни 168-моддасининг 2-қисми а,б бандлари қарор қисмида кўрсатилган бўлсада, б банди эса асослантирувчи қисмида тушуриб юборилган, 244-1-модда 3-қисми “в” бандининг тўлиқ тафсилоти шу модданинг 1 ёки 2 қисмидан келиб чиқиб кўрсатилмаган. Шундай процессуал эътиборсизлик айблов хулосасини тузиш жараёнида ҳам йўл қўйилган.

Судья қайд этилаётган процессуал камчиликларни кўра билиши зарур эди. Афсуски шомша шомшарлик оқибатида бу хатоликларни кўр билолмаслик оқибатида ЖПКни 396 моддасининг 4 қисм талаби, яъни жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш чоғида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан бири **“суриштирувчи ва дастлабки тергов ўтқазиш чоғида ушбу Кодекснинг талабларига риоя қилинганми”** деган саволга тўлиқ жавоб олинмаган. Хатто судья ўзининг қароридан ЖКни 179 моддасини тушириб юбориши ҳам юқоридаги фикримингизнинг тўлиқ исботлайди.

Қайд этилаётган процессуал камчиликлардан ташқари, бу босқичда ишнинг яна бир ҳолатига шу бўлса ҳам дастлабки тергов органи томонидан М.Таджибоевага нисбатан Ўз.Рси ЖКни 139 моддаси 3 қисми “а”, “г” бандлари ва 140 моддаси 3 қисми “а” бандлари билан айб эълон қилиш жараёнида ЖПКни 82 моддасини 2 қисми талаблари, яъни содир этилган жиноятнинг вақти, жойи тўлиқ аниқланмаган. Аслида судья бундай ҳолатда келгусида иш юзасидан бир тухтамга келиши учун маслаҳатхонага қирган вақтида юқорида қайд этилган моддалар буйича Тожибоева М.И.ни на оқлаши, на айбдор деб топиши мумкин эмаслигини эътиборга олиб ЖПКни 419-моддасининг 2-3 қисмларидан келиб чиқиб жиноят ишини қўшимча тергов юртиш учун қайтариши лозим эди.

Иккинчи ноқонуний ажримлардан бири 31 январ 2006 йили жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди суд хайъати жиноят ишлари бўйича Қўйичирчиқ туман суди биносидан мен томондан оғзаки илтимоснома келтирилган бўлиб, ўз илтимосномамда жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ҳақидаги қарорда йўл қўйилган жиддий процессуал камчиликларни назарда тутиб ишни қўшимча терговга юбориш сўралган эди. Шу кунни ўзида мен томондан келтирилган илтимосномани рад этиш ҳақида асосиз ажрим чиқарилган.

Ажримда илтимосномани рад этишда асос қилиб **“даслабки тергов органи томонидан судланувчи М.Таджибоевага нисбатан айбловни тўлдириш тўғрисидаги қарорининг қарор қисмида сохта тадбиркорлик жиноятини содир этганликда, яъни Ўз.Р ЖКнинг 179 моддаси билан айб эълон қилинмаган, лекин айблов хулосасида ушбу модда билан айб эълон қилинган бўлсада, бу жиноят ишини қайта терговга юбориш учун етарли асос бўлмайди, судланувчининг ушбу жиноятни содир этганлик ёки этмаганлик ҳолатлари албатта суд тергови жараёнида текширилиб, бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериш имконияти мавжуд бўлгачгина хал этилмоғи лозим бўлади”** деб кўрсатилган. Суднинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди сабаби шахсга нисбатан айб эълон қилиш процессуал ҳаракат ЖПКни 361-362 моддаларида кўрсатилган бўлса, айблов хулосаси эса жиноят ишнинг бир тухтами сифатида расмийлаштирилиши боис у ерда айб эълон қилиш жараёни мавжуд эмас. Айблов хулосасининг хулоса қисмида 179 моддаси кўрсатилган

бўлсада, лекин унинг тўлиқ тафсилоти берилмаган. Шунинг учун ҳам суд айб эълон қилинмаган ЖКда кўрсатилган модда билан ишни кўриши мутлақо мумкин эмас. Суд фақатгина айбловда кўрсатилган моддалар юзасидан ишни мазмунан кўриши, айблов қарорида кўрсатилмаган модда юзасидан эса уни содир этган ёки этмаганлиги ҳолатлари бўйича бирон бир фикр бериши мумкин эмас. Бундай процессуал хато камчилик тўлиқ айб эълон қилинмаган ЖКни 168 моддаси 2 қисмининг “а”, “б” ларида ҳам кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси ЖПКни 316-362, 382, 385 моддалари талаблари қўпол равишда бузилганлиги сабабли суд томонидан ЖПКни 419 моддасини 2, 3 қисмларига риоя қилмаган ҳолда иш туганлигини, яъни ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтариши лозим эди. Лекин, суд қонуннинг бу талабини бажармаганлиги сабабли асосан чиқарилган ҳукмнинг ЖКни 168 моддасини 2 қисмининг “а”, “б” бандлари билан айбдор деб топиш тўғрисидаги ҳаракати ноқонуний равишда бўлганлигини яна бир бор исботлайди. Суд томонидан ЖКни 179 моддаси каби ЖКни 168 моддасининг 2 қисмидан “б” бандини суд тергови жараёнида жиноятнинг такроранлик белгиси ўз тасдиғини топмаганлиги, ушбу банди билан ортиқча айб эълон қилинганлиги сабабли ҳукмдан ортиқча эълон қилинганлигини пеш қилиб йўқ айбловдан олиб ташлашлиги келтириляётган фикр мулоҳазаларимиз нечоғлиқ қонуний асослий эканлигини бугунги кунга келиб яна бир бор ўз исботини топди. Чунки, савол тўғилади қандай қилиб айбловда мавжуд бўлмаган моддани ёки моддани бирон бир қисмини олиб ташлаш мумкин. Суднинг бу борада ажрими билан ҳукми ўртасида қарама қарши фикр борлигини ҳам кўришимиз мумкин. Бундай ҳолда ажримни қонуний деб қараш умуман мумкин эмас. Хар иккала ҳолатда ҳам 2003 йил 19 декабр кундаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”** 17 сонли қарорининг 10 бандига амал қилинмаганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, бу банда “Судларнинг эътибори Жиноят процессуал кодексининг гумон қилинувчига, айбланувчига унинг ҳимоячи олиш, айнан нимада гумон қилинаётганлигини ёки айбланаётганлигини, маҳкумга эса, у қандай жиноят содир этганликда айбдор деб топилганлигини билиш ҳуқуқини кафолатловчи 46, 48 моддалари талабларига қатъий риоя қилиниши зарурлигига қаратилсин. Шунинг учун, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблов ҳулосасида ва суд ҳукмида Жиноят процессуал кодексининг 360, 361, 379, 467- моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилиши керак” деб кўрсатилган.

Суд жараёнида қабул қилинган ажримлардан яна бири 3 феврал 2006 йили мен томондан ҳимоямда бўлган Таджибоева М.И. билан ҳоли учрашиш учун ажрим чиқариш ҳақида келтирилган илтимосномамга нисбатан суд томонидан чиқарилган ажримга ҳам эътиборийларни қаратмоқчиман. Мен ўз илтимосномамда 2003 йил 19 декабр кундаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг **“Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги”** 17 сонли қарорининг 11 бандидан ва Ўз.РСи ЖПКни 53 моддасида кўрсатилган ҳуқуқларимдан келиб чиқиб ишда иштирок этишда ва шу ажримдан келиб чиқиб бизга М.Таджибоева билан учрашишга умуман ажрим чиқарилмаганлигини, шу сабабли биз ҳимоячилар М.Таджибоева билан ҳоли учрашиб ўзимизни фикр мулоҳазаларимизни билдира олмаётганлигимизни, шу сабабли М.Таджибоева билан ҳоли учрашишни таъминлаш мақсадида ажрим чиқариб беришлик сўралган эди. Лекин, суд ушбу илтимосномани ўз жойида кўриб чиқиб **“Ҳимоячи Х.М.Махбубов томонидан билдирилган судланувчи билан ҳимоячиларни учрашувига рухсат бериш ҳақидаги ажрим чиқариш илтимосномаси суд бошлангунга қадар бирон-бир ҳимоячи томонидан судланувчи билан учрашишга рухсат сўраб келмаганлиги ҳамда ҳимоячи Х.Махбубов суд жараёни бошланадиган куни етиб келганлиги, қолган ҳимоячилар эса суд жараёни бошланган куннинг эртаси куни етиб келганлигини, улар асосланаётган Олий суд Пленумида учрашувга рухсат бериш суд бошлангунга қадар деб белгиланганлигини эътиборга олган ҳолда, ҳимоячи томонидан келтирилган илтимоснома рад этилсин.”** Ажрим чиқарилган. Ушбу ажрим қайд этиляётган Пленум қарорининг 11 бандига жуда ҳам зид, чунки бу банда **“Ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишга рухсат этилган шахсга суриштирувчи, дастлабки тергов органи ва суд томонидан қарор (ажрим) шаклида ёзма ҳужжат берилиб, унда ҳимоячининг ЖПКни 53 моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади”** деб кўрсатилган. Шундай экан нима судья мени ордеримни қабул

қилган захоти Пленум қарорида кўрсатилган тартибда мени ишда иштирок этишимга рухсат берилганлиги ҳақида ажрим чиқаргани учун. Қолаверса қонунда ажрим чиқариш учун химоячи ордер билан қўшимча равишда илтимоснома билан судьяга мурожаат қилишлиги мажбурий равишда кўрсатилмаган. Химоячини ордерини ўзи ажрим чиқаришга асос бўла оладиган процессуал кучга эга ҳужжатдир.. Сабаби Пленум қарорида **“Бундай қарор (ажрим) суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд (судья) томонидан унга адвокатнинг ордери тақдим этилгандан сўнг дархол чиқарилиши керак. Қарор (ажрим) нусхаси химоячига берилади ”** деб кўрсатилган. Суд ёки судья томонида биз ишда иштирок этган химоячиларга ҳеч қандай қарор берилгани ҳам йўқ, қолаверса ишда бундай қарорнинг ўзи мавжуд ҳам эмас. Қонунда ҳамма томонлама белгиланган бундай ҳуқуқимизни амалга оширилмаслиги натижасида нафақат биз химоячиларнинг балким шу қаторда химоямизда бўлган М.Таджибоевнинг ҳоли учрашувга бўлган ҳуқуқлари қўпол равишда бузилганлигини кўришимиз мумкин. Натижада амалда бўлган процессуалд қонунчиликдан ташқари жамиятнинг олий Қомуси бўлмиш Конституциянинг 26 модда талаблари бузилганлигини яққол кўришимиз мумкин. Чунки, бу моддада **“Судда айбланаётган шахсга ўзини химоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади”** деб кафолатланган.

Ҳозирги кунда бундай кўринишда қонунбузарликнинг борлиги иш юзасидан судланувчи М.Таджибоевага нисбатан чиқарилган ҳукмнинг нечоғлиқ асоссиз эканлигини яна бир бор исботламоқда. Шунинг учун ҳам шикоятда қайд этилаётган қарорни бекор қилишлик учун тўлиқ процессуал асослар мавжуд деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга асосан Ўз.Рси ЖПКни 53, 497-9 моддаларига биноан

1. 24 январ 2006 йили Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси А.В.Юлдошев томонидан жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги;
2. 31 январ 2006 йилдаги химоячини илтимосига биноан ишни қайта қўшимча терговга юбориш ҳақида илтимосномани рад этиш ҳақидаги;
3. 3 феврал 2006 йилдаги химоячини илтимосномасига биноан судланувчи Таджибоева М.И. химоячиси сифатида ишда қатнашишга жалб этиш ва холи учрашувни амалга ошириш учун ажрим чиқариб беришлик ҳақидаги илтимосномани рад қилиш тўғрисидаги суд жараёнида қабул қилинган ажримларни ноқонуний деб топиш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги хусусий ажрим чиқаришингизни с ў р а й м а н.

Адвокат



Х.М.Махбубов.